

## СОМОНИЙЛАР ДАВЛАТИДА КОНЧИЛИК МАСАЛАЛАРИ

Ширинова Фируза Иноятовна  
Усмонова Рухсора Собиржон қизи  
Жўрақулова Камола Фахриддин қизи  
Жалолова Дилдорахон Шаҳоб қизи

Ўзбекистон Республикаси Навоий давлат педагогика институти Тарих  
факультети тадқиқотчилари

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада ўрта аср Сомонийлар давлати ривожига катта таъсир кўрсатган конлар, уларнинг фан, иқтисодиёт ва сиёсий жараёнларга таъсири хусусида гапирилади.

**Калит сўз:** нумизматика, Дари Регистон, Дари Ғўриён, Бухоро, Чоч, кумуш, металлургия, саноат.

### ANNOTATION

In this article, said about the Khans who made a significant contribution to the development of the medieval Samanids state, their influence on science, economy and politics processes .

**Key words:** numismatics, Dari Registan, Dari Guriyon, Bukhara, silver, metallurgy and industry.

Тарихдан маълумки, Абу Бакр Наршахий – Марказий Осиё тарихнавислигининг илк қадимий дурдоналаридан бири бўлмиш “Тарихи Бухоро” деб шухрат топган, ўша давр Бухоро ва унинг атрофларининг тарихий топографияси, табиати, халқларнинг маданий ва ижтимоий ҳаёти, савдо - сотиқ, ишлаб чиқариш, тўқмачилик ва энг асосийси кончилик масалалари хусусида қимматли маълумотлар берадиган нодир асарнинг муаллифидир. Тарихчи Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарида ўрта асрларда Бухоронинг икки дарвозаси (“Дари Регистон”, “Дари Ғўриён”) бўлганлиги ва бу дарвозалар жимжимадор безаклари ва тош супалари билан кўзни қувонтиргани хикоя қилинади.

Ўрта аср шаҳарларининг ривожланиши аграр йўналишда бўлганлигини биламиз. Ҳатто металлургия саноати билан шуғулланувчи шаҳарлар ҳам ўрта аср даври шароитида тоғ минтақаси қишлоқларига боғлиқ эди.

Сомонийларнинг мамлакатни бошқарув тизимидаги марказлаштириш сиёсати унинг юксак даражада ривожланишига хизмат қилди. Шаҳарлар ўсиши ва уларнинг иқтисодий – савдо алоқалари кенгайди, мустақамланди. Чоч, Илок ва Бухорода шу асрларда 50 дан ортиқ шаҳарлар бўлган. Иккита савдо йўли Чочга ғарбдан, Самарқанд томондан келиб бу йўл Бухоронинг кончилик маҳсулотларини ташиш, айрибошлаш ва бошқа амалларни бажаришга хизмат қилган. Қадим Чоч ҳам металлургия саноати бой макон бўлган, аммо

кулочилик, шишасозлик, ганчкорлик, ёғоч ва тери махсулотлари бир юртниқидан иккинчи бириники қайсидир жихати билан фарқ қилган, бундай махсулотлар бозорларни беаган.

Х аср охиридан Мавороуннахрда қораконийлар ҳукмронлиги ўрнатилди. Қораконийлар мамлакати бошқаришда сомонийлардан жуда кўп нарсаларни шу жумладан, пулт зарб этиш анъаналарини ҳам қабул қилганлар.

Муаллиф Бухорода дирхам ва танга зарб қилиниши хусусида ҳикоя қилиб, “Бухорода сийм – кумуш (танга)ни дастлаб ишлатган киши Коно Бухорхудот эди. У Бухорода ўттиз йил подшоҳ бўлиб турди. Бухорода савдо бўз ва буғдой воситасида бўлар эди. Бошқа вилоятларда кумуш (танга) зарб қилганликлари ҳақида подшоҳга хабар берган эдилар, у ҳам Бухорода соф кумушдан танга зарб қилиб, унга ўзининг тож кийиб турганидаги суратини туширишни буюрди. Бу воқеа амир ул – муъминин Аба Бақр Сиддиқнинг, - ундан худо рози бўлсин, - халифалик даврида бўлиб (бу кумуш танга) Ҳорун ар - Рашид давригача давом этди.”<sup>1</sup>

Шуни айтиб ўтиш керакки, улар олтин динар забот этишни бир ярим йилгача тўхтатиб қўйганлар. Араб тарихчилари Ёқут ва Ибн Ҳавқалларнинг ёзишига қараганда, Бухоро аҳолиси савдода дирхамни ишлатганлар, аммо динар товар сифатида сотилган. Худди шундай ҳолатни нумизматика материалларига асосланиб, Е.А.Давидович кузатганини биламиз. Илоқ вилоят ҳокимлари эса кумуш дирхам забот этиш билан бирга динар забот этишни ҳам тўхтатмаганлар. Бу ҳақда Ибн Ҳавқал шундай дейди: “Илоқда олтин ва кумуш пуллар зарбхоналари фаолият кўрсатишда давом этарди. “Қораконийлар сомонийлардан фарқли ўлароқ қораконийлар даври танга пулларида нафақат олий ҳукмдор исми, балки, вилоят ҳокимлари номлари ёзилган дирхамларни ҳам учратиш мумкин.

Наршахий Бухоро кумуш тангалари қадрининг нечоғли баландлиги ҳақида ҳам гапириб ўтган. Бунинг асосий сабаби қилиб эса зарб этилган тангалар Бухоро ташқарисига чиқиб кетиши оқибатида камайиб қолиши бўлса керак деб ҳикоя қилади.

“У вақтда Бухоро аҳолиси қўлида Хоразм кумуш тангаси муомалада бўлиб, одамлар у кумуш (танга)ни кўнгилсизлик билан олир эдилар.”<sup>2</sup> Бухоронинг ўзидан ишлаб чиқилган кумуш (тангалар) савдо муомаласидан чиқиб кетган эди. Бухоронинг кўзга кўринган катта кишилари кўпроқ ўз мустақил кумуш тангалари бўлишини хоҳлаб қайғурардилар. “Бухоро тарихи”дан яна шундай фикрни келтириш мумкин: “Ғифрит ибн Ато Хуросонга келганида Бухоронинг катталари ва кўзга кўринган кишилари унинг олидга бордилар ва ундан: “Шаҳримизда кумуш ( танга) қолмади, Хуросон амири буюрсалар, токи бизга кумуш (танга) зарб қилиб берсинлар ва уни ўша қадимги Бухоро кумуш (танга)си зарб қилинган қолипда қўйсинлар ва кумуш (танга) шундай бўлсинки, ҳеч ким уни бизнинг қўлимиздан чиқара олмасин, шаҳримиздан ташқарига олиб кетолмасин ва биз ўз ўртамызда ўша кумуш (танга) билан муомала қилайлик”, - деб талаб қилдилар. “Бухороликлар ана шу кумуш (танга) ларни “Сийми ғитрифий” деб атаган эдилар.

<sup>1</sup> Мерос. Наршахий “Бухоро тарихи” Т. «Камалак», 1991 йил, 115- бет.

<sup>2</sup> Мерос. Наршахий “Бухоро тарихи” Т. «Камалак», 1991 йил, 118- бет.

Шуниси кизиққи, дастлабки, кумуш тангаларнинг бухороликлар учун кадри баланд эди, сабаби, бу кумуш тангалар таркибида соф кумуш кўп миқдорда бўлган. Кейинроқ зарб қилинганлари эса қора рангда бўлган ва уларнинг таркиби ҳам аралаш бўлган. Қадимий гидрифий кумуш тангаларда бошқалардан кўра кумуш кўпроқ бўлганлиги учун ҳар бир дирамида бир ҳабба тилла бўлиб, ҳар бир ўн дарамида ярим дирамдан тортиб, тўрт ярим донагача тилла бўлган экан.

Биргина Бухорода зарб этилган тангалар у жойларнинг замини қанчалар бой ва захираси мўл эканлигидан далолат беради.

Кулолчилик, ганчкорлик ва мисгарлик ҳам бухороликларнинг қадимий касби ҳисобланиб, бу касбларни таъминловчи хом ашё асосан унинг ўз заминидан олинганини биламиз. Сомонийлар даврида металлургия соҳасида катта ютуқлар қўлга киритилган. Ёзма манбаларга ва археологик қазиш иш ларига қараганда бу даврда кон саноати тараққиётида катта ўзгаришлар юз берган. Бу даврда Бадахшонда кумуш, олтин, биллур, ложувард каби қимматбаҳо металл ва тошлар қазиб олиш давом этган. Устришоннинг Минк туманида катта миқдорда темир рудаси, Буттамда олтин, кумуш ва мис металллар, Тузкон кўлида туз, Фарғонада Нокад деган жойдан олтин, кумуш, Исфара яқинидан тошкўмир қазиб олинган. Айрим худудларда нефт борлиги ҳам қайд этилган.

Марказий Осиёда сомонийлар даврида мавжуд бўлган конларнинг фаолияти ушбу давлатнинг нечоғли ривожланганидан далолатдир. Айнан ана шу кончиликнинг ривожини давлатда ҳунармандчилик, савдо – сотиқ, заргарлик, тоштарошлик ва заргарликнинг ривожланишига асос бўлган. Кулолчилик чархи янада такомиллашиб, идишларни безашда сирлардан фойдаланиш кашф этилди, олтин ва кумушга янгича ишлов бериб турли тақинчоқларга қимматбаҳо тошлар қадаш урф бўлди, мисс идишлар турли безаклар билан жимжимадор қилиб безатилди. “Бухоро тарихи”да ҳикоя қилинишича, - “Бухородан чиқадиган ва савдогарлар бошқа вилоятларга олиб борадиган нарса мис ва бўздир, Марсмандада ҳар ойда бир марта очиладиган ярмаркада Минкда тайёрланган металл буюмлар сотилган.”<sup>3</sup> Бундай буюмлар Хуросонда кенг тарқалган ва Боғдод ва Эронгача етиб борар эди. Масдиқийнинг таъкидлашича, - “Сомонийлар ҳукмронлиги даврида қурол - яроғлар, мис ва темирдан ишланган бошқа хил буюмлар чиқарилган”, Бу металллар юқорида тилга олиб ўтилган конлардан қазиб олинган бўлса керак. Истаҳрийнинг фикрича, - «Асборда қора тош тоғи бор, бу қора тош писта кўмир каби ёнади, кули оқ кийимдаги қора доғни йўқотади.”<sup>4</sup> Аммо манбаларда кўмир қанча миқдорда қазиб олингани айтилмаган. Фарғона томонлардан нефть қазиб чиқарилгани ҳам тилга олинган. Шунини фахр билан тилга олиш мумкинки, мамлакатимиз тарихи қадим ва навқирон бўлиши билан бирга ҳар жихатдан дунёга машҳур ҳамдир. Иликдаги кумуш – қўрғошин конлари нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги, Шарқий Европада бу даврда битта ҳам кумуш кони бўлмагани ва бу металллар Марказий Осиёдан яъни Сомонийлар давлатининг турли районларидан олиб кетилгани ҳақида биламиз. Кумушнинг ҳаммаси машҳур бўлган, у сомонийлар дирҳами шаклида танга ҳолида юборилган. Демак,

<sup>3</sup> А. Асқаров. Ўзбекистон археологияси.Т. Низомий номидаги ТДПУ.2002.55- бет.

<sup>4</sup> Ўзбекистон ССР тарихи (Биринчи китоб) Тошкент.Ўз ССР ФА.1955 йил , 128- бет.

барибир Бухорода ҳунармандчиликнинг ривожланишига ҳам унинг бой кончилиги сабаб экан.

“Москвага амир хазинасидан олиб кетилган олтин ва бой қимматбаҳо жавохирларнинг аниқ миқдори ҳамда қиммати ҳақида мукамал, тўла маълумот йўқ. Аммо хазинанинг асосий қисми Ўрусияга олиб кетилганидан далолат берувчи далиллар жуда кўп. Хужжатларга кўра, Фрунзе босқини даврида Бухородан олиб кетилган қимматбаҳо бойликлар ҳар биттаси ўн – ўн уч қизил ҳарбий вагондан иборат бир неча эшелонни ташкил этган.”<sup>5</sup>

Россия томонидан Бухоро амирлигидаги олтинларни йиғиб олиш учун бир неча операциялар ўтказилган. 1924 йилда “Товар” деб номланган ишга кўра Бухородан олиб кетилган бойликлар ҳақида Москвада давлат қайдномаси ўтказилади ва Марказий Шўро ҳукуматининг катта амалдорлари томонидан имзоланади. Бу ерда жами 9 та қайднома имзоланиб, Бухоро Шўро Социалистик жумҳуриятидан олинган олтин, кумуш ва қимматбаҳо осори атиқалар Госхран (Давлат омбори)томонидан қуйидагича баҳоланган.

1. № 322- қайдномада олтин ёмбилар- 5 пуду 12 фунт, жами олтин ҳисобида 112 233 сўм 36 тийин.
2. № 520- қайдномада олтин 2 пуду 12 фунт, жами 35 637 сўм 29 тийин . Олтин буюмлар – 4 пуд 15 фунт.
3. № 322- қайдномада рус олтин тангалари -239 693 сўм 91 тийин.
4. № 327- ва № 334- қайдномаларда Бухорои олтин тангаси 199 пуд 39 фунт олингани кўрсатилган. Шунингдек Туркия олтин тангалари ҳам қайд этилган.Бу қайдномаларда фақатгина Зарафшон воҳаси яъни Бухоро амирлигидан ташиб кетилган бойликлар келтирилган.

Худди шунингдек, 1931 – 1932 йилларда “Олтин йиғиш мавсуми” деб номланган яна бир экспедиция ўтказилиб, амирлик тугатилгандан кейин унда хизмат қилган кишиларнинг қўлида сақланаётган бойликларни йиғиб олиб кетиш режалаштирилган эди. Бухоро амирлигида узоқ йиллар қозикалон бўлиб ишлаган, тарихчи Садри Зиё Бухоро атрофлари, Ҳисор тоғи ёнбағирларини “текшириш” учун келган кишиларнинг асл мақсади бу жойларда яшовчи амирликда хизмат қилганлар қўлидаги олтин – у қимматбаҳо буюмларни йиғиб олиш эди”<sup>6</sup>- деб айтади. Шуниси қизиқки, Ҳисор ва Помир тоғи атрофлари, Шахрисабз, Яккабоғ, Бойсун ерлари ўз олтинлари билан кўп сиру – синоатга бой бўлиб қолаверган. Бухоро аркининг тағхоналарида қолдирилган хазинанинг асосий қисми большевиклар ўлжасига айланган. Зероки, уни бошқа жойларга яшириш учун Бухорода ҳеч кимса қолмаган эди.

XX аср бошларида чор Россияси захираларида мавжуд тилла миқдори бўйича АҚШ ва Франциядан кейин 3 – ўринда турарди. Мамлакатда ўрта ҳисобда 64 тонна тилла ишлаб чиқилиб, унинг умумий миқдори 1,5 минг тоннадан зиёд эди. Россия давлатининг бутун хазинаси Қозон шахри омборхонасида сақланар, 1918 йилда Қозон оқ гвардиячилар томонидан ишғол қилинган, хазинанинг бир қисми ( 22 яшик) вақтинча Японияга қочирилди, бир қисми эса Германия билан Англияга қарши сулҳ тузиш учун Германияга ҳада қилинди. Айтиш жоизки, халқларнинг машаққатли меҳнати эвазига йиғилган

<sup>5</sup>Х. Узоқов, С. Холбоев. Бухоро амирлигининг олтинлари. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” журнали ,1993 йил 7- бет.

<sup>6</sup> С. Зиё “Наводири Зиёя”. Душанбе, «Адиб» 1991 йил, 141- бет.

олтинлар на амиру – амалдорларга ва на ғанимларга “вафо” қилмай “дунё кезган” экан.

Мустақилликка бугун қанча шукрона айтсак кам. Зарафшоннинг тенгсиз олтинлари бугун ўз эгасини топди. Бу олтинлар ўзбек тамғаси билан дунё юзини кўраяпти. Навоий тоғ – кон саноатининг олтин маҳсулотлари инглиз ва япон мутахассислари томонидан юқори баҳоланмоқда. Халқаро олтин савдосида “энг яхши олтин” деб изоҳланди. НКМК ҳам аллақачон дунёдаги энг йирик тоғ – кон компаниялари қаторидан ўрин олди.

Шундай экан, бой, олтинга тенг заминимиз қадрига етайлик, йўқотилган кўп нарсалар ўрнини тинч – тотув меҳнатимиз маҳсулоти билан тўлдирайлик.